



2022 йил - ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Assalomu alaykum, azizlar!

BESHARIQ TONGI

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqarib boshlagan.

2022 YIL 22-YANVAR
SHANBA, № 3 (8988)

(Bahosi kelishilgan narxda)

Beshariq tumani
hokimligining ijtimoiy-
siyosiy nashri

Gazeta haftada bir
marta chiqadi

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

ҲОКИМ ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ҲУЗУРИДА



Мамлакатимизда билимли ва иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланиб, уларнинг маънавий камолотида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёш авлод ўртасида олиб борилаётган тадбирларнинг ўрни катта. “Ҳоким ва ёшлар” мавзусидаги учрашув-мулоқот давлат ҳокимияти органлари билан ёшлар ўртасидаги муносабатларга кўприк бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода туман ҳокими Р. Жўраевнинг 29-умумтаълим мактабида ўтказган учрашувига Янги Қашқар маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи

ёшлар таклиф этилди.

“Ҳоким ва ёшлар” учрашув-ида туман ҳокими мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, бунда ёшларнинг иштироки ҳақида гапирди. Ёшларнинг қизиқиши ва муаммолари билан танишди. Улар томонидан берилган саволларга жавоблар қайтарди.

СУРАТДА: ёшлар ўз фикрларини баён этишмоқда.

Ф. ЗОКИРОВ олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИККА - КЕНГ ЙЎЛ

ДАРОМАД МАНБАИ



Узун маҳалла фуқаролар йиғинида болалар учун ўйинчоқлар ясашни йўлга қўйган тадбиркор З.Обиджонов билан туман ҳокимининг учрашуви доимий даромад манба-

ига эга бўлиш учун нималарга аҳамият бериш тўғрисида бўлди. Тадбиркор ўз тажрибаси ва муаммолари ҳақида гапирди. Ҳоким тадбиркорга зарур тавсия ва маслаҳатлар берди.

Аҳоли мурожаатларини эшитиш бўйича жаҳонда муқобили йўқ қабуллар механизми тўғрисида республикада давлат идоралари ва мансбдор шахсларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги, фуқароларга кўрсатилаётган ёрдамнинг мақсади ва манзиллиги самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, раҳбарларнинг ҳудудларда, хусусан, ҳар бир маҳаллада сайёр қабуллар ўтказиётгани одамларнинг яшаш шароитини юксалтиришга ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шунингдек, у давлат ва халқ ўртасидаги алоқани ўрнатишда кўприк бўлмоқда.

Одамлар ўз мулоҳазаларини, муаммо ва дардларини сайёр қабулларда бемалол айтишмоқда.

Абдураззоқ ота маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр қабулда туман ҳокими Р. Жўраев фуқароларнинг мурожаатларини эшитиш билан бирга уларнинг сўровларига жавоб берди. Муайян маса-

Сайёр қабуллар жойларда фуқаролар томонидан билдирилган таклиф ва муаммолар ечимини топишда самарали тизим сифатида ўз ишончини оқламоқда. Давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Андархон маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр қабулда билдирилган фикрлар бунинг тасдиғини кўрсатиб турибди. Фуқаролар ўтган - 2021 йилда қишлоқда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилгани, турмуш фаровонлиги яхшиланганини эътироф этган ҳолда ўзларининг шахсий муаммолари юзасидан мурожаат этишди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги 2661- ва 2021 йил 2 апрелдаги 5048-қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Чимбой МФЙ ҳудудида жойлашган ТП-557 да 86 та таянчлар ўрнатилди. 2,9 км. узунликда 10/0,4 кВ. ҳаво электр узатиш тармоқлари тортилди.

Ушбу ишлар натижасида 110 дан зиёд аҳоли ва тадбиркор истеъмолчиларнинг электр таъминоти яхшиланди.

ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ



ЖАҲОНДА МУҚОБИЛИ ЙЎҚ ТИЗИМ

лалар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар берилди.

Бундай оммавий сайёр қабуллар ижтимоий муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ҳолис, ошқора кўриш имконини берди.

Қабулга келган икки нафар фуқаронинг мурожаати ҳондонига бориб ўрганилиб, ҳал қилинди.

СУРАТДА: муаммоларга ечим топиш жараёни.

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ



Туман ҳокими Р. Жўраев уларни бирма-бир эшитиш баробарида тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарлари иштирокида

жавоблар қайтарди.

СУРАТДА: юзма-юз мулоқот пайти.

Ф. ЗОКИРОВ олган суратлар.

ЯНГИ ТАРМОҚ ТОРТИЛДИ



Мамлакатимизда сўнгги йилларда маҳаллий бюджетлар мустақиллиги, шаффофлиги ва очиқлигини ҳамда маҳаллий бюджет харажатларини тақсимлашда жамоатчилик ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар давом эттирилмоқда.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ:

ШАФФОФ ВА ОЧИҚ

БЕШАРИҚ ТУМАНИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2022 ЙИЛГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ДОИР

Хукулатимиз топшириғига мувофиқ “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва ундан келиб чиқиб, 2022 йилги солиқ-бюджет сиёсатида кўзда тутилаётган асосий ўзгаришлар ҳамда Бешариқ тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги асосий кўрсаткичларининг дастлабки лойиҳаси халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ва масалага алоқадор ташкилотлар иштирокида муҳокама этилиб, қисқача ахборотлар берилган эди.

Бюджет даромадлари бўйича 2021 йил прогнозининг белгиланиши, 2020-2021 йилларда мурраккаб бўлиб турган пандемия ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда тасдиқланган эди. Маҳаллий бюджет даромадлари прогнози 56 млрд. 300 млн.сўм бўлган.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида туман маҳаллий бюджет даромадлари ижроси 45 млрд.сўмни (прогноз 42 млрд.сўм) ёки прогнозга нисбатан 107 фоизни ташкил этди. Натижада, 9 ойлик якунларига кўра 2 млрд. 6 млн.сўм маблағ маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдирилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йил якунида туман маҳаллий бюджет даромадлари 60 млрд.сўмга (прогноз 55 млрд.сўм) бажарилиши кутилмоқда (109%). Натижада, маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилиши 5 млрд.сўмни ташкил этиш кутилмоқда. Бунда, маҳаллий бюджет даромадлари таркибидаги асосий солиқ турлари - жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан 17,5 млрд.сўм (салмоғи 29%, ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан 24,0% га ошган), ер қиридан фойдаланганлик учун солиқ 6,2 млрд.сўм (салмоғи 10,3%, ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан 10,0% га ошган), жисмоний шахсларнинг ер солиғидан 7,2 млрд.сўм (11,9%, ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан 27,0% га ошган), жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғидан 4,2 млрд.сўм (7%, ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан 19,0% га ошган) келиб тушди.

2022 йил Давлат бюджетини шакллантиришда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, 2022 йилда асосий солиқ ставкаларини ўзгаришиз қолдириш тақлиф этилган. Жумладан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиз, фойда солиғи ставкаси 15 фоиз, айланмадан олинadиган солиқ 4 фоиз ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 12 фоиз миқдоридан қолдирилади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасидаги солиқ ставкалари (ер солиғи (0,95 фоиз) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (1м3 учун 40 сўм)) сақлаб қолинмоқда.

Иккинчидан, ер солиғи ставкаси 7 фоизга индексация қилинмоқда. Хабарингиз бор, Халқ депутатлари Кенгашларининг ушбу белгиланган базавий солиқ ставкасини 0,5 ёки 3,0 коэффицент қўллаган ҳолда туман-туман (ҳудудлар бўйича ўзгариштириш киритиш) белгилаш ваколати мавжуд. Худди шу тартибда жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкаси ҳам 7 фоизга индексация қилинмоқда. Жумладан, Фарғона вилоятида 2021 йилда базавий солиқ ставкаси 1 кв.м. учун мутлақ ўлчамда 245,0 сўмни ташкил этган бўлса, ушбу миқдор 2022 йилда 260,0 сўм этиб белгиланмоқда. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилиниб, 0,23 фоиздан 0,25 фоизга оширилмоқда. Бунга сабаб, жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларнинг кадастр қиймати ўзгаришсиз қолдирилмоқда.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2022 йилда ҳам жисмоний шахслардан олинadиган ер ва мол-мулк

солиқлари миқдори 2021 йилдаги ҳисобланган миқдордан 1,3 баробарга ошиши мумкин эмас. Мисол учун, айтайлик, бир фуқарога 2021 йилда 100,0 минг.сўм ер ёки мулк солиғи ҳисобланган ҳамда солиқ сиёсатидаги янги ўзгаришлар натижасида ушбу фуқарога 150,0 минг.сўм солиқ ҳисобланиши лозим бўлса ҳам, ушбу фуқарога 2021 йилги ҳисобланган солиғига нисбатан 30 фоиздан ошмаган ҳолда, яъни 130,0 минг.сўм солиқ ҳисобланади ва ундирилади.

Бундан ташқари, акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкасини 10 фоизга индексация қилиш режалаштирилган. Масалан, 2021 йил 1 октябрдан 1 литр ароқ учун белгиланган 12 510 сўм акциз солиғи 2022 йилнинг 1 июнидан 13 800 сўмга оширилиши, ёки бўлмаса, 2021 йил 1 октябрдан 1 куб.метр сиқилган газ учун белгиланган 500 сўм акциз солиғи 2022 йилнинг 1 июнидан 550 сўмга оширилиши белгиланмоқда.

Учинчидан, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилмоқда. Шу билан биргаликда, 1 кв.метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қиймат жорий этилиши тақлиф қилинмоқда. (Тошкент шаҳрида - 2,5 млн.сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида - 1,5 млн.сўм ва қолган ҳудудларда - 1,0 млн.сўм.) Шу ўринда, Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига ушбу 1 кв.метр учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан фақат туманларнинг (шаҳарларга нисбатан ваколат берилмаган) иқтисодий ривожланганлик дараджасидан келиб чиқиб ҳамда қишлоқ жойларда солиқ юки кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 0,5 гача камайтирувчи коэффицент қўллаш ҳуқуқи берилмоқда. Албатта, бу бўйича вилоят солиқ бошқармаси билан вилоят молия бош бошқармаси ҳамкорлигида туманлар кесимида 1 кв.метр учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан камайтирувчи коэффицентлар лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бунда, Бешариқ туманида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ юки кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 0,7 камайтирувчи коэффицент қўллаш тақлиф этилган. Мисол учун, Бешариқ тумани бўйича мутлақ миқдорда белгиланган минимал қиймат 1,0 млн.сўм бўлиб, ушбу қийматга нисбатан 0,7 камайтирилувчи коэффицент қўллаш ҳисобига минимал қиймат 700,0 минг.сўмга туширилади. Бу эса тадбиркорлар учун уларнинг эгаллигидаги мулклар бўйича ҳар бир кв.м майдонида солиқ базаси 300,0 минг.сўмга қисқартирилиши таъминлайди.

2022 йил учун бюджет даромадларининг прогнози бюджет даромадларига сезиларли таъсир кўрсатувчи ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) кўрсаткичлари ошиши, базавий ҳисоблаш миқдори ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини ўсиши ҳисобга олинган. Бевоқифа 2022 йилги маҳаллий бюджет кўрсаткичларига тўхталиб ўтсак.

Маҳаллий бюджет даромадлари прогнози 91 млрд. 18 млн.сўм (2021 қўтилиётган тушумларга нисбатан 151%) белгиланмоқда. Алкоголь маҳсулотлари ва мобил алоқаси хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи тушумларини тақсимлаш тартиби ўзгармайди ҳамда 2022 йилдан бошлаб тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи ҳам 2021 йил 1 июль ҳолатидаги аҳоли сонининг ўлушига кўра маҳаллий бюджетларга ўтказилади. Хусусан, туман маҳаллий бюджетига 2022 йилда 37 млрд. 436 млн.сўм (мобил бўйича 8 млрд. 72 млн.сўм, алкоголь 14 млрд. 169 млн.сўм, тамаки маҳсулотлари бўйича 15 млрд. 195 млн.сўм) ўтказиб берилади.

2022 йилда ҳам даромадларини тақсимлашда олдинги йилдаги бир хиллик ва тенглик принципини давом эттирган ҳолда, жорий йилда ҳам корхоналар айланмасидан солиқ, жисмоний шахслар ер ва мол-мулк солиқлари, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиқлари 100 фоиз миқдорда туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетларида қолдирилади. Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи туман маҳаллий бюджетига 50 фоиз миқдорда қолдирилади. Яқуний истеъмолчилар томонидан бензин ва дизель ёнилғисидан фойдаланганлик учун акциз солиғи туман маҳаллий бюджетига 20 фоиз миқдорда ажратма белгиланмоқда. Шунингдек, жорий йилда қўшимча равишда маҳаллий бюджетларга юридик шахсларнинг ер, мол-мулк ва сув солиқларидан туман бюджетига 50 фоиз миқдорда ажратма белгилаш тақлиф этилмоқда. Бундан ташқари, цемент ва оҳактош учун ундириладиган ер қазидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 50 фоиз миқдорда ажратма белгиланмоқда. Бу даромад тури, асосан, “Ясин қурилиш” корхонаси томонидан тўланади. Бунда туман маҳаллий бюджетини ушбу йирик корхонага боғланиб қолишининг олдини олиш ҳамда ушбу корхона фаолиятини вақти-вақти билан тўхтатиб туриши инobatга олинди.

Мазкур даромадлар прогнози маҳаллий бюджетга фақат шунча даромад келиб тушушини аналитик қилиб қилинмайди. Йил бошидан биз солиқ бошқармаси билан биргаликда мазкур прогнозни ортиғи билан бажарган ҳолда 2021 йилдан кам бўлмаган миқдорда маҳаллий бюджетга қўшимча манбаалар яратишни олдимизга мақсад қилиб белгиланди. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда солиқ органлари ҳудудларни прогноз кўрсаткичларини бажаришда ушбу ҳудуддаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари лозим бўлади. Хусусан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар йиғилувчанлигини ошириш. Бунда, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, улар ҳажми тўғри ҳисобланиши туман ирригация бўлими ва туман давлат солиқ хизмати бўлими томонидан назоратга олиши лозим.

Мол-мулк ва ер солиқларининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самара-

ли ташкил этиш керак.

Камерал солиқ текширувлари натижадорлигини ошириш лозим.

Норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш ва хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карерлар фаолиятини қонунийлаштириш. Бунда, қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллари ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатиш ва ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назорат ўрнатиш ҳамда мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Бешариқ тумани маҳаллий бюджети харажатларининг 2021 йил учун тасдиқланган режаси 134,9 млрд.сўм этиб белгиланган. Жорий йил якунига қадар маҳаллий бюджет харажатлари 185,6 млрд.сўмга ижро этилиши кутилмоқда. Бунда жорий йил бошига шакланган эркин қолдиқ ҳисобидан 2,1 млрд.сўм, даромадлар режасининг чораклар давомида орттириб бажарилган қисми 2,6 млрд.сўм йўналтирилган бўлса, жорий йил давомида республика бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5250-сонли қарорига асосан туман маҳаллий бюджетига 1,4 млрд.сўм “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га қўшимча маблағлар ажратилди.

Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан жорий йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурлари ва ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун 1 540,5 млн.сўм, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун мазкур жамғармаларга 138,0 млн.сўм, “Фуқаролар ташаббуси” жамғармасига 132,0 млн.сўм, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармаларига 288,0 млн.сўм, «Саховат ва кўмак» жамғармасига 542,0 млн.сўм, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ харажатлар учун 449,0 млн.сўм, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетига қўшимча 266,0 млн.сўм маблағ ажратилди.

2022 йил учун Бешариқ тумани маҳаллий бюджетининг харажатлари 195,5 млрд.сўмни

(2021 йилга нисбатан 145%), тартибга солувчи бюджетлар-ро трансфертлар 104,5 млрд.сўмни (2021 йилга нисбатан мос равишда 133%) ташкил этмоқда. 2022 йилда назарда тутилган харажатларни йўналишлар ва соҳалар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак:

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига, жами 153,8 млрд.сўм (умумий харажатларнинг 78,6%) ажратилиши назарда тутилмоқда. Бунда мактабгача таълим харажатларига 18,2 млрд.сўм (2021 йилга нисбатан 120%) маблағ ажратиш кўзда тутилган. Умумий таълим харажатларига 11,2 млрд.сўм (2021 йилга нисбатан 136%) маблағ ажратилиши сақлаш тизими харажатларига 73,5 млрд.сўм (2021 йилга нисбатан 125%) маблағ ажратилиши назарда тутилган. Болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсация харажатларига 46,5 млрд.сўм (2021 йилга нисбатан 164%), бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-қарори билан ижтимоий нафақалар таркибига ўзгартириш киритилиб, амалдаги 2 ёшгача ва 14 ёшгача болали эҳтиёжманд оилаларга нафақа бирлаштирилган ҳолда кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа (бунда болалар ёши 18 ёшгача белгиланган) ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловлари белгиланди.

Бошқа ижтимоий соҳа йўналишидаги харажатларга 4,2 млрд.сўм (2021 йилга нисбатан 122%) маблағ режалаштирилмоқда.

Иқтисодий харажатларига, жами 13,6 млрд.сўм (умумий харажатларнинг 6,9 фоизи, 2021 йилга нисбатан 163%) назарда тутилмоқда. Шундан туман ободонлаштириш бошқармалари харажатлари учун 8,6 млрд.сўм, ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш харажатлари учун 1,6 млрд.сўм, сув хўжалиги вазирлиги ташкилотларига 1,7 млрд.сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Маҳаллий бюджетлар параметрларидаги яна бир ўзгариш, бу - 2022 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бевоқифа кенг жамоатчилик иштироки ҳисобланади. 2022 йил 1 январдан эътиборан туман маҳаллий бюджети тасдиқланadиган умумий харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Натижада, 2022 йилда “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш учун туман ҳокимлиги қошидаги “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га 9,3 млрд.сўм миқдоридан маблағлар ўтказилади. Бу, ўз навбатида, туманда бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қилади. Мисол учун, фуқаролар фикри асосида хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, ички йўللارни ва ижтимоий соҳа объекларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, ичимлик суви ва оқова сув билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш ҳамда бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш ишлари амалга оширилади.

Ш. ГУЛМАТОВ,
туман молия
бўлими мудир.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Кўп йиллик тажрибалар ва қўзатувлар шунини кўрсатдики, қишлоқ даврида буғдойда ҳаво ҳарорати +5-3 °С бўлганда ҳам физиологик жараёнлар давом этади. Бунда фотосинтез жараёни тўхтаб, фақат нафас олиш жараёни устунлик қилади.

ҒАЛЛАНИ ҚИШДА ПАРВАРИШЛАШ



Шу паллада ғалла уруғини экиш даврида берилган фосфорли ва калийли минерал ўғитлардан синтез қилинган органик моддалар ҳисобига нафас олиш жараёни содир бўлади. Кузги буғдой совуқ об-ҳаво пайтида энергияни фақат нафас олишда танасидаги захира моддаларни парчала-ниши эвазига ҳосил қилади. Ўсимлик қуёшнинг ёруғлик энергиясидан фойдаланиши ҳисобига хлорофил дончаларини тўплайди. Бу кечалари кучаядиган қишқи совуққа чидамлилигини оширади.

Селекциячи олимлар янги нав яратиб, уларнинг потенциал ҳосилдорлигини белгилаб беришади. Ғаллакор фермер ва деҳқонларда ушбу потенциал ҳосилни олиш учун юқори агротехника тадбирларини қўллаш эвазига мўл ва сифатли дон ҳосили етиштириш имконияти мавжуд бўлади.

Туманимизнинг ғалла экилган майдонларида макро ва микро элементларни қоплаш мақсадида куз ва қиш ойларида маҳаллий ўғитларни тўплашга эътибор қаратиш лозим. Қўйида маҳаллий ўғитлар таркибидаги минерал моддалар миқдорини келтириб ўтамиз. Жумладан, қорамол гўнгида 0,4 фоиз азот, 0,2 фоиз фосфор, 0,5 фоиз калий озукка моддалари бўлади. Шунингдек, парранда гўнгида 3,4 фоиз азот, 1,6 фоиз фосфор, 0,8 фоиз калий, шаҳар чиқинди қолдиқларида 0,4 фоиз азот, 0,2 фоиз фосфор, 0,5 фоиз калий сақланади. Фосфоритда 10-20 фоиз фосфор озуккаси бор.

Маҳаллий ўғитларни экин майдонига олиб кириш билан нафақат қўшимча ўғит кири-тиш, балки тупроқда мавжуд кристал ҳолатдаги фосфорли ўғитларнинг парчаланишига ижобий таъсир кўрсатишимиз мумкин.

Январь ойидаги энг муҳим агротехник тадбирлардан би-

ри, бу – ўртача 1 гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш. Ҳар 5 гектар майдонга биттадан хандақ қазиш лозим. 20-25 тонна маҳаллий ўғитни “шарбат”га айлантириш учун хандақларга ташланади, устидан 5–10 см. қалинликда тупроқ билан кўмилади.

Февралда ғалла майдонларида ниҳолларнинг қишлоқдан чиққанлигини аниқлаб, биринчи озиклантиришни ўтказиш керак. Эрта баҳорги озиклантиришда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг (180–210 кг/га. соф ҳолида) 25 фоизини бериш тавсия қилинади. Эрта баҳордаги азотли озиклантиришда, биринчи навбатда, кеч муддатларда экилиб, қишлоқдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан кейин уруғлик етиштириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Қишлоқга тупланмасдан кирган, устига-устак қишдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги ўсимликларни 100 кг/га. қўшимча озиклантириш талаб этилади. Маълумки, эрта баҳорда тупроқ таркибидаги озукка моддалар миқдори камайиб кетишидан ташқари, ўсимлик нозик ҳолда қишдан чиқади. Озука моддаларга ниҳоятда муҳтож бўлади. Шу пайтда экинни озиклантириш кўчат қалинлигини барқарорлаштириб, тупланиш жараёнини жадаллаштиради. Шунинг ҳисобига 1 м².да 550–600 та-гача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришиш мумкин. Эрта баҳорги озиклантириш ўз муддатида ўтказилса, ҳар гектар ердан 4–6 центнергача қўшимча ҳосил олишга эри-шилади.

Экинни озиклантиришда азотли ўғитлар меъёри-ни аниқлашда ўсимликлар ўсиш жараёни қай даражада эканлиги муҳим ўрин тутати. Агар ўсимликларда ўсиш жа-

раёни кеч бошланса, бу давр-га келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, ривожланиш фа-заларини ўтиш вақти ва озукка моддалар ўзлаштирилиши па-саяди. Шу даврда ўсимликда тупланиш ва генератив орган-лар ривожланишини кучайти-риш мақсадида азот меъёри-ни йиллик меъёрга нисбатан 25 фоиз эмас, балки 30 фоиз-га ошириш тавсия қилинади. Азот меъёри бундан оширил-са, ўғитнинг ортиқча қисми сув ёки ёғингарчилик билан юви-либ кетади.

Озиклантиришдан сўнг ҳар бир минтақадаги ғалла май-донлари тупроқ намлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига 700–800 м³. ҳисобида суғорилади. Суғориш жараёнида қўшимча озиклантириш мақсадида жамғарилган маҳаллий ўғитларнинг 60–70 фоизи “шар-бат” усулида оқизилиши яхши самара беради.

Февраль ойининг 2-декада-сидан бошлаб буғдой майсалари ривожланиши суст бўлган майдонларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Минерал ва маҳаллий ўғитлар эрта бери-лиши ўсимликларнинг эртароқ ривожланишини таъминлайди.

Шуни унутмаслик керакки, ушбу тадбирлар об-ҳавога қараб ўтказилиши лозим. Озиклантиришда навлар-нинг биологик хусусиятлари-га қараб, асосан, эртапишар, ўртапишар ва кечпишарлиги-га алоҳида эътибор бериш ке-рак. Чунки эртапишар навлар бошқа навларга нисбатан 7–10 кун эрта найчалаш фазасига ки-ради. Бу эса эртапишар навлар-ни бошқа навларга нисбатан 10 кун эртароқ озиклантиришни талаб этади.

Ойнинг охирида агрономлар-нинг хулосаларига кўра, касал-лик зараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлардан кучли за-рарланадиган майдонлар аниқлаб чиқилади. Шунда ғаллазорлар турли касаллик-ларга чалинишининг олди оли-нади, пировардида, мўл ҳосилга пухта замин ярати-лади.

Ж. ҲАЁНБОВ,
дон ва дуккакли экинлар
илмий тадқиқот институти
Фарғона илмий тажриба
станцияси раҳбари.
З. ИСМАТУЛЛАЕВ,
станциянинг дон
ва дуккакли экинлар
селекцияси ва уруғчилиги
лаборатория бўлими
бошлиғи.

* * *

С. Марасулов номли
ММТП ҳудудидаги «Асадбек
Мирзаев» фермер хўжалигида
42,5 гектар ерда «Адир» навли
буғдой парваришланмоқда.
Ҳар гектар ер ҳисобига 350 кг.
аммофос, 100 кг. мочевины
ва маҳаллий ўғитлар билан
озиклантирилган буғдойнинг
ривож яхши.

СУРАТДА: фермер хўжалиги
раҳбари Абдураҳим Мирзаев
ва тажрибали сувчи Меҳмо-
нали Набиевлар суғорилаётган
ғаллазорда.

Т. ҲОШИМОВ олган сурат.

ТАРАҚҚИЁТ ЛОЙИҲАСИ

ИҚТИСОДИЙ САВДО ЗОНАСИДА



Инвестиция лойиҳаларига киритилган, Андархон божхона ма-скани яқинда бунёд этиладиган Қўқон эркин иқтисодий зонасига қарашли савдо логистика зонаси туман иқтисодий-ижтимоий ри-вожланишига ҳисса қўшади. Лойиҳани амалга ошириш учун ту-ман ҳокими Р. Жўраев Қўқон эркин иқтисодий зонаси раҳбари Ф. Раҳмонов ва бошқа мутасаддилар билан жойнинг ўзида гаплашди. Лойиҳачи ва ижрочилар, фуқаролар билан учрашиб, мулоқот қилди.

СУРАТДА: лойиҳани амалга ошириш юзасидан суҳбат.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

УЗУН ВА ҚИСҚА ВАРАҚА ШАКЛЛАРИ

Анъанавий аҳолини рўйхатга олиш жараёнида кўплаб хусусиятлар бўйича маълумотларни тўплашда респон-дентларга юкни камайитириш учун маълумотлар йиғиш қисқа рўйхатга олиш варақасидан (танланган саволлар-ни ўз ичига олган) ва узун саволнома варақ шакллари-дан (муайян белгилар бўйича кўплаб саволлар билан) фойда-ланишни назарда тутиши мумкин.



Узун саволнома варақа шакллари фақат танланма уй-жойлар, уй хўжаликлари ёки шахслар бўйича тўлдирилади. Узун ва қисқа саволнома варақа шаклларида фойдаланиш режалаштиришни, ўқув дастурини ва жойларда сўров ўтказишни мураккаблаштирмасдан ва назорат қилиб бўлмайдиган сарф-харажатларни кўпайтирмасдан кўпроқ маълумот тўплаш имконини беради.

Бироқ ахборот учун, тобора ортиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда ушбу стратегия янги муросаларга олиб келиши мумкин, чунки узун рўйхатга олиш варақасидаги саволлар сони юқорида келтирилган сабабларга кўра чексиз равишда ўсиб бора олмайди. Агар “бир вақтдалилик” тамойили устун бўлса, мамлакатлар

қисқа рўйхатга олиш варақаси ва икки ёки ундан ортиқ узун шакллардан маълумотларни тўплаш масаласини кўриб чиқишлари лозим. Бу ҳолда узун рўйхатга олиш варақаси уй хўжаликлари ёки шахсларнинг алоҳида танланмаси бўйича тўлдирилади.

Шу билан бирга, бир нечта саволнома шаклларида фойдаланиш бир-бирига боғланган танланмаларни шакллантириш зарурати, майдонда аҳолини рўйхатга олиш варақаларини назорат қилиш ва бутун тўпلام бўйича натижаларни тортиш билан боғлиқ қўшимча мураккабликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, кўп омилли таҳлил қилиш имкониятларини чеклайди.

А. АБДУҲАМИТОВ,
туман статистика
бўлими етакчи
мутахассиси.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ - АМАЛДА

БЎЛҒУСИ ВАТАНПАРВАРЛАР



14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан барча жойда бўлгани каби туманимизда ҳам турли тадбирлар, учрашув-мулоқотлар, маънавий-маърифий кечалар, спорт мусобақалари ўтказилди. Уларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек эзгу ғоялар тарафдорлиги билан таъмин этилди.

Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирландилар.

СУРАТДА: ғолибларни тақдирлаш жараёни.

Ёшларнинг бевосита Ватан ҳимоячилари билан юзма-юз учрашуви, мулоқотлари уларга кучли таъсир ўтказди. Бу эса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оддий ва самарали усулдир. Байрам арафасида шундай юзма-юз мулоқотлар бўлиб ўтди.

Жумладан, чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм аскар ва зобитлари «Афсона» мактабига таълим ташкилотида жамми кичкинтойлар билан юзма-юз мулоқот ўтказишди. Болажонлар аскар акаларидан сафда юриш, жанговар қўшиқлар куйлашни ўрганишди. Аскарлар болажонларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди, деб хабар беради ҳарбий хизматчи Т. Олимов.



МАЪРИФАТДА МИНИ ФУТБОЛ



Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 30 йиллиги муносаба-

ти билан спортнинг мини футбол тури бўйича Маърифат МФЙ-да маҳалла ёшлари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Бешариқ тумани ташкилоти ва Маърифат МФЙ ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақа қизиқарли ва курашларга бой бўлди. Ватанимизнинг келажги ва ҳимоячилари бўлган ёшлар ўзларини ҳар томонлама кўрсатишди.

Футбол мусобақасида 1995 йилда таваллуд топган йигитлар жамоаси ғолибликни қўлга киритди. 2- ва 3-ўринлар 2003 ҳамда 1997 йилда туғилганлар жамоасига насиб этди.

Мусобақа якунида ғолиб жамоалар ва энг фаол ёшларга Ўзбекистон ХДП туман ташкилоти ва Маърифат МФЙ томонидан фахрий ёрлик, эсдалик совғалари топширилди.

А. ДАВРОНОВ,
Маърифат МФЙ раиси.

ЭЪЗОЗДАГИ КЕКСАЛАР



94 Ёшли БОБО

Тошариқдаги 50-уйда истиқомат қилувчи Турдали бобо Деҳқонов 94 ёшни қарши олди.

Бобо 3 ўғил, 4 қизни тарбиялаб, вояга етказди. 40 нафардан ортқ набира ва чеваралари бор.

Т. Деҳқонов узоқ йиллар собиқ Бешариқ давлат хўжалигида механизатор-бульдозерчи бўлиб

меҳнат қилди. Ҳалол меҳнати орқасидан одамлар орасида обрў-этибор, ҳурмат қозонди.

СУРАТДА: туман нуронийлар Кенгаши раиси О. Исомиддинов, Тошариқ МФЙ раиси О. Қосимовлар бобо хонадониди. Т. ҲОШИМОВ олган сурат.

МУТАХАССИС ОГОҲЛАНТИРАДИ

ҲАММА РИОЯ ҚИЛСИН

Электр энергиясининг машаққатли меҳнат эвазига хонадонимизга кириб келишида соҳа ходимларининг кечая кундуз тинимсиз меҳнат қилишлари, масъулият билан ишлашлари барчага маълум.

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари ҳозирги кунда 42415 дан зиёд хонадонга ва 3089 та улғуржи истеъмолчиларга сифатли электр энергияси етказиб бериш учун меҳнат қилмоқда. Электр, бу – мўъжиза. Бугунги кунда ҳаётимизни бу мўъжизасиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳоҳида электр тармоғида қисқа муддатга ўзилишлар бўлса, навбатчилик бўлимимизда телефон қўнғирокларининг кети ўзилмайди. Ҳақиқий аҳволни тушунтиргунча қадар ҳоҳида унча-мунча аччиқ гаплар ҳам ўтади. Тўғри, аҳолига сифатли ва узлуксиз электр энергияси етказиб бериш ва таъминлашга биз - электр таъминоти корхонаси ходимлари масъулмиз. Туманимиз ҳудуди бўйлаб кўп тармоқли, юқори ва паст кучланишли ҳаво ўзатиш линиялари ўтган. Улар барча истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлайди. Лекин ҳанузгача аҳоли томонидан 10/0,4 кВ.ли ҳаво ўзатиш линияларининг муҳофаза майдонида баланд ўсадиган дарахтлар экиш давом этмоқда. Бунинг оқибатида, кучли шамолларда дарахтларнинг синиб кетиши натижасида электр симлари ўзилиб, таянчлар йиқилиши кузатилмоқда. Фарзандларимизнинг таянчларда симларни ўшлаб турган изолятор (чойнак)ларни синдиришлари натижасида электр

таъминотида ўзилишлар бўлиб, турли бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги «Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида»ги қарорига асосан бу муҳофаза майдонида баланд ўсувчи дарахт экиш, яшаш учун уй-жой бинолари, молхоналар, болалар ўйингоҳлари қуриш, тез аланга олувчи ўтин, ҳашақлар босиш, бинолар ёки деворлар билан муҳофаза майдонини тўсиб қўйишга рухсат этилмайди.

Муҳофаза майдони қуйидагича белгиланган:

1000 вольтгача -2 метр, 20-кВгача -10 метр, 35-кВгача -15 метр, 110-кВгача - 20 метр.

Кўрсатилган ушбу таянчларда тортилган масофада четдаги симнинг линиясидан ҳар икки томон бўйича турувчи чекланган вертикал текислик ер участкаси ва ҳаво макони шаклидаги электр ўзатиш ҳаво линиясининг муҳофаза ҳудуди ҳисобланади. Хавфсизлик қоидаларига ҳамма рия қилишга мажбур.

Электр бизга берилган бир неъмат, унга ҳиёнат қилиш жиноятдир.

Ж. ЭШҚУЗИЕВ,
туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Бешариқ ижтимоий-иқтисодий коллежи томонидан 2009 йилда **Иномов Ҳасанжон Рустамжон ўғли** шу коллежни битирганлиги ҳақида берилган № 1347910 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

17-мактаб томонидан 2004 йилда **Турдиева Мавлуда Собировна** шу мактабнинг 11-синфини битирганлиги ҳақида берилган У № 1580891 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

13-мактаб томонидан 1986 йилда **Бойбобаева Муқаддас Насиравалевна** шу мактабнинг 10-синфини битирганлиги ҳақида берилган № 923036 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

29-мактаб томонидан 2021 йилда **Машрабжонов Муслимбек Машғалбек ўғли** шу мактабнинг 11-синфини битирганлиги ҳақида берилган УМ № 1074417 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

39-мактаб жамоаси шу мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Г. Турдиматовага дадаси

Абдумалик ТУРДИМАТОВ
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
BESHARIQ TUMANI
HOKIMLIGI
Tuman hokimligining rasmiy veb-sayti www.beshariq.uz



Bosh muharrir
Sobirjon TEMIROV
Mas'ul navbatchi
Rahimjon MIRZAULOV
Sahifalovchi
J. NORMATOV

Tahririyat manzili:
150301. Beshariq shahri,
Cho'pon ko'chasi, 22-uy.
beshariqtongi12@gmail.uz
Telefonlar:
Muharrir: (73) 612-14-12
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat komp'yuterida terilib, sahifalandi va «Andijon nashriyot-matbaa» MChJ bosmaxonasida ofset usulida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Andijon shahri, Navoiy shohko'chasi, 71-uy.
Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligining Farg'ona viloyat hududiy boshqarmasida 9.01.2007 yilda 12-021 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Bichimi: A-3. Adadi 5640
Buyurtma:
Topshirish vaqti: 14.00
Topshirildi: 15.00